



# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1988 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 111 (9357). • 1988 йил 8 июнь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

### ХИХ БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

#### ЯНГИ КОНВЕЙЕР: СИФАТ ОШИДИ, ТАНАРХ КАМАЙДИ

АНГРЕН керамика комбинатида нормал иш учун барча шaroитлар муайяндек. Станоклар, яримавтоматлар, пишириш печлари, конвейер линиялари... Ишлаб чиқариш майдонлари асбоб-ускуналар билан тўла. Лекин деярли ҳар бир квадрат метрда бир ишчи. Бештирчи бу механизмлар жонли «дорувул» ларини мулоқот ишлаб олмайдими? — деган ҳавлга борасан, ишни. Афсуски ҳозирча технология бугунги кунда шундай.

Корхонанинг ийрик ҳамчили плиталар ишлаб чиқариш деҳи четдан қараганда шундай таассурот қолдиради. Шу ҳақдаги фикрларини катта мастер А. Сулаймонов билан ўртоқлашдим.

Қўлимда конвейердан ҳозирча тўшган, ҳали совиб ҳам улгурмаган плита. Шу олдидинга маҳсулот тайёр бўлгунча қанчадан-қанча жараёни босиб ўтади. Қанчадан-қанча қўл меҳнати сарфланади унга. Олдин кукур тайёрланади. Сўнг прессларда ярим тайёр маҳсулот сопол олинади. Кейин у печларга жойланади. 900—1000 градусли ҳароратда пиширилиб, сир берила-

ди. Охири жараёнда сортировка қилиниб идишларга жойланади.

Ишлаб чиқариш технологияси ва унда банд бўлган одамларни яхши билган катта мастер менга янги потконвейер линиясини кўрсатди.

Мана, уша экспериментал конвейерда тайёрланган янги маҳсулот — сирланган плита. Ҳажми 213х111 миллиметр, қаллиғи 9 миллиметр. Унга қурилишда эҳтиёж катта. Плитани «Глазташентстрой», «Самарқандводстрой», Нурободадаги механизациялашган уйсоғлик юлтонан ва бошқа ташкилотлар коллективлари сибришди билан кутмоқдалар. Шу тўғрисида маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин қўпайтириш керак.

— Лиянанинг ишлаб чиқариш қуввати қанча?

— 250 минг квадрат метр.

Конвейер конструкциясини қуришни керамикаси илмий-тадқиқот институти инженерлари ишлаб чиқишган. Унда хом ашёни преслашадан тортиб, маҳсулотни пиширишгача бўлган барча жараёнлар механизациялаштирилган.

Дастлабки кунларда иш юришмади. Ахир у республикада ишга туширилган ана шундай дастлабки конвейер эди. Керамикачилар олдинга сир беришини маъқул усулни тополмай анча қийналишди. Электропечнинг турли қисмларида лозим даражадаги ҳароратни, конвейернинг ҳаракат тезлигини ҳам дарров аниқлаб бўлмади. Шунга қарамай март ойида дастлабки 11,3 минг квадрат метр плита олинди. Бугунги кунда эса айрим смелалар 300 квадрат метрча маҳсулот берапти.

Цех бошлиғи Б. В. Харионов комплекснинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб, шундай деди:

— Сир қолганган плита электропечларда пиширилади. Бунда анча микродоғди ёниги иқтисод қилинади. Маҳсулот сифати чқолади. Лекин янги конвейернинг яна бир устулик томони бор. Мисол учун сир бу ерда маҳсул пурақичлар ёрдамида берилди. Бу камб маҳсулот — сирдан тежамли фойдаланиш имконини беради.

Айни кунларда улар XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига узаро мусобақани авж олдириган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Барча майдонларда мулкдаги кўчат сақлаб қолинди. Ўза парварини ишлари маромида олиб боришмоқда. Ҳозиргача экин учинчи комплекс ишловдан чиқарилиди. Бунда механизатор Райм-

#### ТҮРТИНЧИ ИШЛОВ БОШЛАНДИ

БҮЛТАК Бобатов ўн беш йилдан буён бригадирлик қилиб келади. Камтар, меҳнатсевар деҳқон. Мен бошқиман деб ўзини катта олмайдми. Ҳама билан баробар зарур деб топилган ишни қилаверади. Шунинг учун ҳам унинг хурматини ўрнига қўядилар. Ҳар ким топширишни зиёда билан бажаришга ҳаракат қилади. Бригада ҳар йили планларини барвақт урдалаб, мул, сифатли ҳосил топириб келадиганлигини боиси ҳам шунда.

Янгиёул районидagi «СССР 60 йиллиги» колхозининг бу илгор коллективни деҳқонлари ўтган йили 61 гектар ернинг ҳар гектарини 33 центнердан хирмон кўтариб, карвонбошлик қилган эдилар.

Айни кунларда улар XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига узаро мусобақани авж олдириган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Барча майдонларда мулкдаги кўчат сақлаб қолинди. Ўза парварини ишлари маромида олиб боришмоқда. Ҳозиргача экин учинчи комплекс ишловдан чиқарилиди. Бунда механизатор Райм-

берди Назаралиевнинг хизмати каттадир. У ҳар бир картдаги гўзаларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда култивация ўтказиб, бирон туп ҳам экиннинг шикастланишига йўл қўймайпти. Ўза-лар ёппасига шоналай бошлади.

Дала ишларида, шунингдек, Зулайхо Огаева, Қаримахон Валеева, Мастура Остонакулова, Дово Тойметова, Санталат Ойнакулова, Насибали Тоқинкуловлар фойдаланиб курсатиб меҳнат қилмоқдалар.

— Киши хотиржам меҳнат қилса кайфияти яхши, иши унумли бўлади, — деди бригадир. — Биз бу масалага катта эътибор бераймиз. Дала шайлони мавсумга барвақт шай қилинди. Ҳақиқий дам олиш жойига айлантирилган.

Деҳқонлар ана шу яратиб берилган шароитга яраша самарали меҳнат қилмоқдалар. Ҳар гектардан 34 центнердан ҳосил топириш бўйича олдинга социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши учун мустақкам замин яратмоқдалар.

Эркин ТҒЛАГАНОВ, Арофат НОСИРОВА.

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ 1988 ЙИЛ 27 АПРЕЛЬ СОНИДА БОСИЛГАН «ТЕХНИКАГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ» ВА «АВРАЛЫ ОТМЕНЯЮТСЯ» МАҚОЛАЛАРИ ҲАҚИДА

ТОШКЕНТ область партия комитетлари, кишлоқ районидаги Ким Пен Ха номул колхоз ва бошқа хўжалиқларнинг бошқаруви иқтисодий механизация таъминлашнинг асосда моддий рағбатлантиришнинг комплекс тадбирларини кенг қўллаш, пахта териш машиналари ва бошқа кишлоқ хўжалик техникаларидан юксак самарадорлик билан унумли фойдаланиш ва авайлаб сақлаб турлатишда механизаторлар, бўғимлар бошлиқларнинг масъулияти ва мустақиллигини ошириш, ва сарф-харажатларини анча камайтириш ҳамда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш соҳасидаги ижобий тадбирларни ёритиб қўйилган қай эди.

Область партия комитети Урта Чирчиқ райони хўжалиқларнинг кишлоқ хўжалик техникасидан юксак самарадорлик билан фойдаланиш ва авайлаб сақлаб турлатиш, шу асосда маҳсулот етиштиришга бўладиган сарф-харажатларини камайтиришга эришиш соҳасидаги иш тажрибасини маъқуллади.

Кишлоқ зоналаридаги шаҳар партия комитетлари, кишлоқ район партия комитетлари, область агрономот комитети, район агрономот бирашмалари, хўжалиқларнинг бошланғич партия ташкилотларига Урта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ха номул колхоз ва бошқа хўжалиқларнинг техникадан фойдаланиш соҳасидаги матбуотда ёритилган тажрибаларини меҳнат коллективлари ўртасида кенг муҳокама қилини, областнинг барча колхоз ва совхозларида бу тажрибани кенг қўллаш юзасидан тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга оширишни тақдиф этилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газетлари, редакцияларига, область радиошунтириши ва телевидениега область агрономот комплекс деҳқончилик ва торвачилик тармоқларида моддий-техника ресурсларини фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги илгор тажрибаларни кенг ёритиш топириди.

# ДЕҲҚОН ВА ТЕХНИКА

ҲОЗИРГИ пайтда деҳқончиликнинг техникасиз тасавури қилиш қийин. Экин экишдан тортиб, уни йиғиштириш, сўнгра ерни ҳайдашгача бўлган юмушларнинг ҳамма-ҳаммасини техникасиз бажариб бўлмайди, албагта.

Шу колхозда механик бўлиб ишлаётганимга 18 йилдан ошди. Устахонамизнинг олдинги аҳволини эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Биласизми, устахона ҳовлиси лой, ботқоққа айланган кетган, бирорта болт, гайка у ёқда турсин ҳам каттагина деталь лойга тўша уни топиш амри маҳол эди.

Ҳозир эса устахона ҳовлисига қафтдек текин қилиб бетон ётқизилган. Бир томондаги босирмада автомобиль, иккинчи тарафда эса трактор ва бошқа техникалар сақланмоқда. Механизатор ва слесарлар учун устахонанинг ўзида ошхона, дам олиш хонаси ишлаб туририбди. Запас қисмлар сақланадиган омборхоналаримиз ҳам етарли.

Ганнинг очиги, «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Техникага янгича муносабат» мақоласини ўқиб чиққанымиздан сўнг колхозимиз ремонт устахонаси ҳодимлари ҳам ўз ишларини сарҳисоб қилиб чиқдилар.

Дарвоқе, Урта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ха номул колхоз механизатор, слесарь ремонтчиликнинг хайри ишларини хўжалиқлар учун ўқиб-ўрганас арзийдиган тажриба деса бўлади. Жумладан, колхозимиз марказий ремонт устахонасида ҳам кўпгина ички имкониятлардан ҳали фойдаланмай келётганлигимиз маълум бўлиб қолди. Чикитга чиқарилаётган темир-тер-

техника ишдан сўнг гаражда сақланапти. Тўғри, кўп тракторчилар бошда бу тартибга бўйсунини истамади. Биз ундайларга жарима солидик. Эндиликда, ишдан сўнг барча техника тозаланиб, завае қисмларини бўглиги текширилиб, қабул қилиб олинди. Биз бу тадбирни қўллашимизга қўлаб ёқилгани тежаш имконини ҳам берапти.

Ҳўжалигимизда устахона ички-хизматчилари меҳнати рағбатлантиришга ҳам катта эътибор беришмоқда. Ўз иш жойини тоза сақлайдиган, берилган топириқларни сифатли бажариб келадиган пайванди Мухиддин Салоҳиддинов, слесарлар Исмомил Ибрагимов, Абдулғаффор Сириновидиновлар узаро социалистик мусобақанинг илгорларидан. Улар доимо ҳаммасаборага намуна бўлиб келишмоқда.

Матълумки, далада ишлаб турган техниканинг иш унуми кўп яхшайдиган устахонадаги меҳнат шaroитига ҳам боғлиқ. Мен бу ерда устахонамиздаги ремонт неҳиди асбоб-ускуналарнинг етарли эмаслигини назарда тутаяман. Ҳадеб, янги запас қисм олавериш эса колхоз учун турган битгани зарар.

Ана шунча. Газетада илгор тажриба эълон қилинганга қадар колхозимиз марказий устахонасида ҳамма ишлар кўнгилдагидек туюларди. Аксинча, ҳали манжуд техникаларни сақлаш улардан унумли фойдаланиш, қолверса, умрини узайтириш борисида кўп ишлар қилишимиз лозим экан.

А. ДАВЛАТОВ, Янгиёул районидagi «Октябрь» колхоз марказий ремонт устахонаси механиги.

### Акс-садо

калар ҳам ҳовлидаги маҳсул яшиқларга йиғиб қўйилдиган бўлди.

Барбир ҳали ишларимизни кўнгилдагидек борапти, деб бўлмайди. Мақолада таъкидланганича, улар техника ремонтини 25 декабрдаёқ тугаллаб қўйишаркан. Биз эса зўрга февраль ойининг ўрталарида фақат баҳорги экин мавсумида ишлаб турган техникаларни, чопиқ тракторларинигина созлашга улгурамиз. Макнажухори ўрим-йиғимда ишлаб турган комбайнлар ремонтини эса айни пайтда олиб борилади. Шу билан бирга пахта териш машиналари шпинделларини алмаштириш, двигател қисмларини қўздан кечириб чиқишни ҳам энди-гина бошладик.

Трактор паркида ўтган йили яхши тартиб ўрнатдик. Ўза қатор ораларига ишлов берадиган чопиқ тракторларидан ташқари, барча

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯНГИЙҮЛ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТҒҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 1 июндаги Фармони ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисидаги» Ўзбекистон ССР Қонунининг 41-моддасига мувофиқ Янгиёул шаҳар территориясини халқ депутатлари Янгиёул шаҳар Советига маъмурий бўйсунтиришга берилиши муносабати билан халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛДИ:

Халқ депутатлари Янгиёул шаҳар Советининг биринчи ташкилий сессияси 1988 йил 14 июнда Янгиёул шаҳрида қаҷирилсин.

Ижроия комитет рaнси П. АБДУРАҲМОНОВ.

Ижроия комитет секретари А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 3 июнь.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАРИМАНОВ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТҒҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 1 июндаги Фармони ва «Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисидаги» Ўзбекистон ССР Қонунининг 41-моддасига мувофиқ Нариманов шаҳар Советига маъмурий бўйсунтиришга берилиши муносабати билан халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛДИ:

Халқ депутатлари Нариманов шаҳар Советининг биринчи ташкилий сессияси 1988 йил 14 июнда Нариманов шаҳрида қаҷирилсин.

Ижроия комитет рaнси П. АБДУРАҲМОНОВ.

Ижроия комитет секретари А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 3 июнь.

### ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

ШУ ЙИЛ 4 июнь кунини область партия комитетида Тошкент кишлоқ хўжалик институти малака ошириш беш ойлик курсини битириб чиққан ешларга гувоҳномалар топиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Гувоҳнома олганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистондаги «Кремль» совхоз бригадаси бошлиғи,

# РАИСНИ ХАЛҚ САЙЛАДИ

Демократияни урганайлик

Халқ депутатлари Оржоникидзе район Совети ижроия комитетининг шу йил 27 майда иш бошлаган йиғирмачи қақириб бешинчи сессияси кун тартибига ижрокомнинг собиқ раиси В. Носиров Ўстунлиқ агрокомбинатига бош директор этиб тайинлашни муносабат билан унинг ўрнига янги раис сайлаш масаласи қўйилди.

Сессияда қатнашган 140 нафар депутатлар узаро келишиб, раисликка номзодларни таллаш ва тавсия этиш учун бир ҳафталик мундат белгилашди. Ана шу ўтган етти кун мобайнида район территориясидаги 2 та посёлка ва 6 та кишлоқ Советларида, меҳнат коллек-

### ПИЛЛА—ДАВЛАТГА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi «Маданият» колхозини пиллакорлар 16 тонна ўрнига 17 тонна хом ашё топириб, планларини анча барвақт бажардилар. СУРАТЛАРДА: Гофур ота Саримсоқов ва Насиба опа Саримсоқовларнинг оилавий звеносида 10 қўн қурт уруғи парварини қилинди ва улар давлатга 650 килограмм пилла топиридилар. Бунда оилавий звено аъзолари Шарифа Саримсоқова (чапдан ўнганга) ва Ақидя Гозневаларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

М. Нурдиннов фотоси.



### ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МЕДИЦИНА НАЗОРАТИ

7 май кунини Ўзбекистон пойтахтида очилган кенгашда Москва, Тошкент, Свердловск, Калинин, Электросталь медицина ва касба соҳа ходимлари, оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министриликлари корхоналарининг етакчи мутахассислари қатнашмоқдалар. Учрашув медицинасозлик системасидagi ишчилар ва хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва юрак-қон томир касалликларининг, шунингдек бошқа юқмайдиган касалликларнинг олдини олиш комплекс программаси биринчи босқичи тугаллашга бағишланган.

Бу программа КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ профилактик медицина Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот маркази ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Тошкентда бу программа ижрасига «Под-ишлаб чиқариш биёрлашмаси коллектив биёрлаштилган бўлиб, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министриликнинг кардиология илмий-тадқиқот институти программани рўбга чиқаришни мувофиқлаштириб турибди.

[УЗАТА].

### СЎНГИ СОСТАВ

ларнинг бутун қондаларини ҳалоллик билан бажариш лозимлигини таъкидлади.

ПАРИЖ Франция Республикасининг президенти Франсуа Миттеран душанба кунини Парижга келган Япония бош вазирини Нобору Такеита билан учрашди. Етакчи капиталистик мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг Торонтода бўладиган учрашувига тайёргарлик масалалари музокараларнинг диққат марказида бўлди. Учрашувда ривожланган мамлакатларнинг қарордорлиги муаммоси муҳим ўрин тутини лозимлиги таъкидланди. Франция президентиининг фикрича, энг йирик капиталистик мамлакатларнинг раҳбарлари эндигина ана шу мураккаб муаммонини ҳал эттишга киришдилар.

ВАШИНГТОН Американин 17 мингдан кўпроқ ҳарбий хизматчиси НАТОнинг ҳар йили ўтказиладиган «Рефоржер» машғулаида қатнашини узуни август охи бошларида Европадаги вакилларнинг дуншанба кунини айтган гапларига қараганда, АҚШ армиясининг бу қисмидаги ГФР ва Бельгиянинг авиабазаларига амволетда келади. Уларнинг жанговар техникаси ҳозир НАТОга аъзо бўлган Европа мамлакатларининг омборларида сақланмоқда. Мамлакатлар зарур бўладиган ўз ичига асқалар Европада кемаларда ташиб келтирилади.

ЛОНДОН Буюк Британияда шу йил май ойининг охиригача 1541 киши ортирилган иямунодефицит синдроми (СПИД) касалига чалинганлиги қай этилди. 868 киши шу даражада оқибатда қаза оқиди. Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг дуншанба кунини бу ерда тарқатилган баёнотида ана шу маълумотлар бор.

(ТАСС, 7 июнь).

СЎНГИ СОСТАВ

раларда Ф. Одилов, Э. Раҳматов, М. Мирсултонова, Р. Пузанков, А. Кривобоков ва бошқалар сўз олишиб, номзодлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шунини алоҳида қай эдиш керакин, сўзга чиққанларнинг кўпчилиги бир овоздан Х. Нурматов номзодини ижроком раислигига лойиқ деб топдилар.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов Х. Нурматов фойдасига ҳал бўлди (82 овоз). Халқнинг ишончили вакиллари бўлган депутатлар уни ижроком раиси этиб сайлашди.

— Бу мен учун шарафли, айни пайтда масъулиятлидир, — деди Х. Нурматов. — Янги вазифада одамлар ишончини оқлашга интилам.

Сессия ишида область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов қатнашди.

Г. ЙҮЛДОШЕВА.



# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТЕЗИСЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

## МАКТУБЛАР, ФИКРЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

КПССНИНГ СИЕСИЯ АВАНГАРД СИФАТИДАГИ ВАЗИФАЛАРИДАН ВА ЖАМИЯТДА РЎЙ БЕРАЕТГАН ЧЎҚУР УЗГАРИШЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЖИДДИЙ РАВИШДА ҚАЙТА ҚУРИШ КЕРАК.

(КПСС Марказий Комитетининг Тезисларидан).

### • Делегат билан учрашув

## ЖАМИЛАГА НАКАЗЛАР

ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференцияси делегати, Калинин районидан 34-ўрта мактаб ўқитувчиси Жамила Хўжаева билан учрашувга кўплаб сабабдорлар, чорвалдорлар, педагоглар келишди. Учрашувни район партия комитетининг секретари Э. Ханимова очди. У КПСС Марказий Комитети Тезислари муҳокамаи меҳнат коллективлари активлигини оширишга хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

— Бу муҳим партиядоғи ҳужжатда Советлар ролини оширишга катта эътибор берилганлиги диққатга сазовордир, — деди Свердлов қишлоқ Совети Икромия комитети раиси А. Маслонов. — Советларга берилаётган ҳуқуқ ва ваколатлардан тўғрив фойдаланиш биринчи навбатда депутатлар фаолияти, ташаббускорлиги, ўз сайловчилари олдиданги масъулиятига боғлиқдир. Аммо ўтган сайлов пайтида депутатларнинг сайлашда қўлгина расмийликчиликка йўл қўйилди, «разнарядкага» мос тушган кишиларгина сайланди қолди. Шунинг учун ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференцияси депутатларини сайловчилар истак-хоҳишига кўра албатта бир неча номзодлардан сайлаш юзасидан қонун ёки низоом ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

42-мактаб ўқитувчиси А. Гаиев мактаб изоҳоти муаммоларига тўхтади. — Демократия, ошкоралик ҳаётимиздан тобора мустақам ўрни олмоқда, — деди 33-қишлоқ хўнар-техника билим юртининг директори Э. Ҳақимов, — шу асосда конференцияга делегатимиз Ж. Хўжаева номзоди партия ташкилотлари меҳнат коллективларида кенг муҳокама қилиниди. Бугун эса унга нақазлар берилапти. Ана шундай ошкоралик бўлса, кўчилик фикрлари ҳисобга олинса турғунлик йилларидаги камчиликлар такрорланмайди.

Сўз Карл Маркс номи 34-ўрта мактаб тарих-жамиятшунослик фани ўқитувчиси, ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференцияси делегати Ж. Хўжаевга берилади. У асосий эътиборини мавжуд муаммоларга қаратди. — Ҳозир мактабларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш энг долзарб вазифа бўлиб турибди, — деди у. Жумладан, 38 та мактабимиздан 21 таси мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Бир қанча мактабларда машғулотлар икки, ҳатто уч сменада олиб борилади. Олти ёшларини ўқитиш учун умуман зарур шартлар йўқ. Биноларни ремонт қилишда ҳам жуда кўп қийинчиликларга дуч келинмоқда.

### АЛЛО, РЕДАКЦИЯМИ?

республика кинофирмалар прокати идораси директор ўринбосари, партия ўқувчи пропагандисти: — АСОСИЙ ишдан ташқари жамоатчилик асосида партия ўқувчи пропагандисти. Машғулотларни ўтказишдан олдин ҳамма белгиланган мавзу бўйича маҳаллий фактлар олиш мақсадида район партия комитетидоғи сийсий маориф кабинетига учрашаман. Аммо, бу ерда баъзан талабимизни кўнгилдагидек қондира оlishмайди. Гоҳ саноят бўлимига, гоҳ пропаганда бўлимига учрашгани тавсия қилишади. КПСС Марказий Комитети Тезислари муҳокама қилинаётган бугунги кунда бу камчилик янада бўрттироқ кўринмоқда.

Хозирги кунда барча бошланғич партия ташкилотларида Тезислар чўқур ўрганилиб, атрофлик муҳокама қилинапти. Сўзга чиқаётган коммунистлар ва партияси активлар ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга, коммунистлар активлигини оширишга қаратилган конкрет таклифларни ўртага ташламоқдалар. Муҳокамаининг бориши ҳақида бошланғич партия ташкилот секретаари вақти-вақти билан ўзаро фикр юритиб, тўп-ланган дастлабки тақриблар билан ўртоқлашмоқдалар.

СУРАТДА: райондаги Ленин номи колхоз партия ташкилот секретаари Пардабой Мирзалиева (чапдан), Ким Пен Хаа номи колхоз партия ташкилот секретаари Виктор Пак ва А. Икромов номи колхоз партия ташкилот секретаари Хожикон Юнусов Тезислар муҳокамаи бўйича ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Н. Мухаммаджонов фотоси.



1944 йилдан бери КПСС аъзосиман. Шу давр мобайнида демократиянинг мамлакатимизда бунчалар кенг қанот ёйганини кўрмаганман. Қайта қуриш даврида қўлга киритилаётган бу ютуқлар жамиятимизнинг доимий фазилати бўлиб қолшини истардим.

КПСС Марказий Комитети Тезисларида ошкоралик ва демократия, ҳаққонийлик ва таниқил, мамлакатини социал-интисодий ривожлантириш хусусида билдирилган фикрлар янада чўқурлаштирилиши тарафдориман.

Редакцияга КПСС Марказий Комитети Тезислари муҳокама юзасидан областимиз ва Тошкент шаҳридаги турли корхоналар ишчилари, хўжаликлардаги деҳқонлар, зиналар, уруш ва меҳнат ветеранлари — оддий коммунистлар кўнгириқ қилиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқдалар. Аммо, афсуски, совет ва партия органлари раҳбарлари ҳанузгача бирор гап айтганлари йўқ. Биз Тезислар муҳокамаи бўйича ўз фикрларини айтиш истагиде бўлганларга телефон номерларимизни эслатиб ўтмоқчимиз:

33-40-48  
32-57-78  
32-56-45

Мажлис бошланғичига ҳали анчагина вақт бўлганлиги учун биз Оққўрғон район марказий кассалхонасида рўй бераётган ўзгаришлар, унинг бўлимларидаги аҳоил билан бир мунча батафсилроқ таниша олдик. Кейинги йиллар мобайнида шифхона модадий базаси анча мустақамланди. Асосий корпус фойеси, бир қатор палаталар ремонтдан чиқарилиди. Шу йилнинг ўзида бу ерда янги туғуруқхона, болалар учун махсус бўлим очилди. Уларга керакли замонавий медицина техникаси ва жиҳозлари сотиб олинди.

Район партия, совет ташкилотларининг ёрдами туфайли бир қатор маъмурий бинолар доволлаш муассасалари учун бўшатиб берилди. Хусусан, район агроносат биришмасининг идорасига болалар консултацияси, йўл қурилиш бошқармасининг маъмурий биносига эса сил кассалхонасига қарши диспансер ходимлари кўчиб ўтишди.

Марказий кассалхонада қайси шифокор ёки бемор билан суҳбатлашаман, районда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга эътибор органлигини мамнун бўлиб гапирарди.

### Журналистларнинг зонал летучкаси

Янгийўл, Калинин, Чиноз, Оққўрғон ва Галаба район газеталари ижодий ходимлари ўзларининг набатдаги зонал летучкаларини ўтказиш учун Чинозда тўпландилар.

Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференцияси делегати Р. Г. Гришчук журналистларга районий социал ва интисодий ривожлантириш юзасидан олиб берилаётган ишлар, газетига партиявий раҳбарлик, КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттиғоқ партия конференциясига Тезисларнинг тарғиб қилишда идеология активи олиб бораётган ишлар тўғрисида батафсил суҳбат берди.

Галаба район «Ленин йўли» газетасида меҳнат интисомини мустақамлаш, ичкиликбозлик ва меҳнатсиз даромадларга, қўшиб ёзишларга қарши кураш, Янгийўл район радиокўрсаткичларида маҳаллий ҳаётга алоқадор темалар нақдлай ёритилаётганлиги летучкада обзор қилинди. Чиноз район «Ленин байроғи» газета редакцияси бошланғич партия ташкилотининг секретари Х. Шерова меҳнат коллективларида ижодий муҳитни яратишда, журналистларнинг қайта қуриш муаммоларини ёритиш учун масъулиятини оширишда партия ташкилотининг роли ҳақида гапириб берди.

Суҳбатлар давомида КПСС Марказий Комитети Тезислари муҳокамаи турли формаларда мунтазам ёритиб бориш шу куннинг асосий вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ижодий ходимлар бу соҳада ўз коллективларида тўпланган дастлабки тақриблар билан ўзаро ўртоқлашди.

### МАЪҚУЛЛАДИЛАР, ТАКЛИФЛАР КИРИТДИЛАР

Шу масала юзасидан ишлаб чиқилган кенг қамровли программа амалга оширилди. Лекин Фарб мамлакатлари ҳам депсиниб тургани йўқ. Улар ҳам ҳисоблаш техникасини тараққий эттиришмоқда. Мен шунинг ҳисобга олиб, Фарб техникасини ўзимизда кўпроқ жорий қилиш лозим, деб ўйлайман. Шу билан олға томон янада жадалроқ ривожланган бўларди.

Завод синаш бўлими бошлиғи Д. Деревянченко йилгилишда билдирилган айрим фикр-мулоҳазаларга қарши чикиди: — Бизда партия аппаратлари штатини қисқарттириш назарда тутилмоқда, — деди у, — менимча хозирча бундай қилмаслик керак. Кейинчалик бу ишга қўл уриш мумкин. Чунки интисодий ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш ва туб ўзгаришлар жараёни боришига энг ақилона раҳбарлик талаб этилади. Бу ишга партия ташкилотлари раҳбарлик қилишлари мумкин. Агар улар қисқарттирилса, феолият доириси чегаралаб қўйилса, хозирги вақтда бораётган бу жараёнда қийинчиликлар турғилиши мумкин. Шунинг ҳисобга олиб партия комитетларини қисқарттириш бошмай турмуш керак.

— Ешлар муаммолари ҳақида шундай фикрларни кўриш керак. Ҳатто касба бўлимига келиб қўйиб олиш керак. Конференцияда бу ҳақида ҳам гап бўлади, деб ишонамиз.

Касба союзларининг молиявий аҳолидаги айрим кусурлар ҳақида тўхталмоқчиман. Бевосита касба союз комитетининг иштирокида йилги барча бадалларнинг 56 процентини қолади. Қолгани бюджет аппаратига берилади. Яъни, тармоқ касба союзи ходимлари област комитетига бадалнинг 44 процентини топширади. Очирини айтганда, бу инсофдан эмас. Бу масалани ўйлаб қўриш керак. Ҳатто касба бўлимига келиб қўйиб олиш керак. Конференцияда бу ҳақида ҳам гап бўлади, деб ишонамиз.

### МАЪҚУЛЛАДИЛАР, ТАКЛИФЛАР КИРИТДИЛАР

неча номзод кўрсатилиши лозим. Улардан ким делегатликка лойиқ эканлигини бевосита меҳнат коллективлари ва коммунистлар кўрсатишлар.

15-йил инженер соловчи И. Бризини раҳбар партия ташкилотлари ходимларига яратиб берилаётган имтиёзларини қайтариш ҳақида тўхталиб, бундай деди: — Тезисларда партия комитетларининг сайлаб қўйилаётган раҳбарлари учун мунча белгиланганлиги айни мунча бўлди. Чунки, раҳбарлик лавозимида кўп вақт узлуксиз ишлаган партия ва хўжалик ходимлари кибр-ҳаётга берилиб кетишлари, атрофдагиларини назор-писанд қилмасликлар, уларнинг фикр-мулоҳазаларига қўлоқ солмаслик бюрократга «айланиб қолдирилган» кўрсатуви миносиллар яқин ўтмишимизда жуда кўп содир бўлди. Раҳбарлар икки мuddатдан ортироқ сайланмасликлар керак. Шунинг қонунашариб қўйиш тарафдориман.

Бош маҳкам бўлимининг катта инжениери М. Раҳимовнинг таклифлари элда ўтирган кўп томондан маъқуллаб кутиб олинди.

Бизда сайланадиган лавозимлар жуда кўп, — деди у, — хозирги вақтда кўчилик хўжалик раҳбарлари ҳам сайланимоқда. Депутатлар ҳақида айтмас ҳам бўлади. Бу яқин. Менинг фикримча, уларнинг истағига қийиниш учун ҳам рухсат бериш керак. Шу ҳақда маълум тартиб таркиб топшиш лозим.

### МАЪҚУЛЛАДИЛАР, ТАКЛИФЛАР КИРИТДИЛАР

Арзимоғандек кўринса ҳам бир масала устиде тўхталиб ўтмоқчиман. Ишимиз юзасидан командировакларда кўп бўлган. Меҳмонхонага жойлаштириш олдидан тўлдирини учун варақа беришди. Шунини таажубки, бу варақда ҳатто сизининг қайси миллатга мансублигиниз қайси қилинуви пункт ҳам бор. Шундай бўлиши шартмикан? Бунга миллатнинг нима алоқиси бор? Бу бую бюрократлиқнинг кўриниши эмасми?!

Биз ҳисоблаш техникеси соҳасида Фарбдоғи қатор етакчи мамлакатлардан орқада қолмоқда. Тўғри, кейинги йилларда сановнинг бу соҳасини ривожлантиришга катта эътибор беришмоқчи.

Арзимоғандек кўринса ҳам бир масала устиде тўхталиб ўтмоқчиман. Ишимиз юзасидан командировакларда кўп бўлган. Меҳмонхонага жойлаштириш олдидан тўлдирини учун варақа беришди. Шунини таажубки, бу варақда ҳатто сизининг қайси миллатга мансублигиниз қайси қилинуви пункт ҳам бор. Шундай бўлиши шартмикан? Бунга миллатнинг нима алоқиси бор? Бу бую бюрократлиқнинг кўриниши эмасми?!

Биз ҳисоблаш техникеси соҳасида Фарбдоғи қатор етакчи мамлакатлардан орқада қолмоқда. Тўғри, кейинги йилларда сановнинг бу соҳасини ривожлантиришга катта эътибор беришмоқчи.

## ШИҒОҚОРЛАР СЎЗИ

пухта ўқиб чиқишга эришдик, — деди марказий кассалхона бошланғич партия ташкилотининг секретари Э. Пирназаров, — ана шундан кейингина муҳокама учун оқиб партия мажлисига тўпландик.

Йилгилишда биринчи бўлиб сўз олган марказий кассалхона бош врачси З. Ф. Гибсов Тезисларнинг моҳияти ҳақида гапирди.

Марказий Комитетининг ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференциясига Тезислариде, — деди у, — мамлакатимиз интисодий, социал ва мадавий ҳаётини тараққий эттириш, янги яшаш тартимининг режалари анқ белгилаб олинди. Жамиятимизда раҳбар куч бўлган КПСС роли равшанроқ кўрсатиб берилди. Халқ депутатлари Советларининг маҳкеми ва ваколатларини тўла ҳажда тиклашга эътибор кўчади. Тезислар жамиятимизда демократик руҳ ортиб бораётганлигини ёрқин далолатларди.

Бизнинг жамиятимиз катта тарихий аҳамиятга эга бўлган революцион ўзгаришларини бошидан кечирмоқда, — дея сўз бошлади марказий кассалхона врачси, медицина статистика Бурхон Сайдалиев, — партияимиз эса бу янгилашнинг тарихини таъкидлаш сифатида майдонга чиқмоқда. Тезисларда халқ саломатлигини мустақамлаш масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Мен бу ерда шу муносabat билан шифокорлар зиммасида турган вазифалар ниҳоятда масъулият эканлигини таъкидламоқчиман. Чунки, қайта қуриш

жараёнида амалга ошириладиган салмоқли меҳнатнинг самараси бевосита уларни баърайдиган меҳнаткашлар солиғига боғлиқдир. Демак, биз врачлар бунинг чўқур тушунишимиз зарур бўлади. Бундан ташқари шифокорларнинг қай-бизти ҳам ана шу ишлар муваффақиятининг таъминлашини унутмаслигимиз керак. Айни пайтда биз солиқини саклаш ходимларига дав олиш зоналариға йўлнамаларни қўйяптириши, улар меҳнатини муҳофаза қилишга ҳам эътибор кўчяйтирилиши лозим. Тезисларда бу масалалар ҳақида келмакда тўхтаб ўтилган. Конференция эса ана шу муаммоларга эътиборини қучайтиришини истардим.

Йилгилиш қатнашчиларидан айримлари конкрет таклифлар айтдилар. Улардан баъзиларининг таклифи ва истакарли қуйидагича бўлди: Эркин ПИРНАЗАРОВ, врач, кассалхона партия ташкилотининг секретари; конференция бошланғич партия ташкилотлари мустақиллигини ошириш, коммунист бўлмаган раҳбарларнинг ҳам партия ташкилотини олдда ҳисобот бериб туришлари хусусида аниқроқ тартиб белгилаш керак.

Эркин ТОЖИБОВ, терапия бўлими мудири; Тезисларда халқ фаровонлиги ҳақида гап бораётгани, Озиг-оқват программаси эса ҳаётимизни яхшилаш йўлидаги муҳим ҳужжатдир. Лекин негадир кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинишига қарамай, ёрдамчи хўжаликларга, оилаларда чорва молларини параваришга хўжаликлар, маҳаллий советлар етарлича ёрдам бермаётганлар. Назаримда бу иш жонланса, врачлар ҳам қараб туришмас эди. Озиг-оқват программасига муносиб хисса қўйган бўлар эдик.

Шавақт ҚОСИМОВ, медицина филиали кандидати, марказий кассалхона хирурги; ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференциясига тақдим этилган Тезисларини маъқуллайман. Лекин шунинг истардимки, турмушимизнинг бу катта программасини маҳаллий ташкилотларда фақат ўрганиш билангина қолиб кетмаслиги керак. Уни амалга оширишимиз зарур. Қўпича қарорлар қабул қилиниди-ю, аммо уларнинг ижросини назорат қилиш билан қамдан-қам қизиқилади. Конференция қабул қилгандаги программа жуда муҳим, унинг бажарилишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб ўйлайман.

Анна БОРИСОВА РИТКИНА, ҳамшира; Бу ердаги ўртоқларнинг таклифларига қўйилган ҳолда, ҳар кун деярли нормативдан ташқари хизмат қилаётган врачлар, ўрта медицина ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақида конференцияда, албатта, зарур гап айтилади деб ўйлайман.

М. МИРХАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» махсус муҳбири.

Эркин ТОЖИБОВ, терапия бўлими мудири; Тезисларда халқ фаровонлиги ҳақида гап бораётгани, Озиг-оқват программаси эса ҳаётимизни яхшилаш йўлидаги муҳим ҳужжатдир. Лекин негадир кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинишига қарамай, ёрдамчи хўжаликларга, оилаларда чорва молларини параваришга хўжаликлар, маҳаллий советлар етарлича ёрдам бермаётганлар. Назаримда бу иш жонланса, врачлар ҳам қараб туришмас эди. Озиг-оқват программасига муносиб хисса қўйган бўлар эдик.

Шавақт ҚОСИМОВ, медицина филиали кандидати, марказий кассалхона хирурги; ХИХ Бутуниттиғоқ партия конференциясига тақдим этилган Тезисларини маъқуллайман. Лекин шунинг истардимки, турмушимизнинг бу катта программасини маҳаллий ташкилотларда фақат ўрганиш билангина қолиб кетмаслиги керак. Уни амалга оширишимиз зарур. Қўпича қарорлар қабул қилиниди-ю, аммо уларнинг ижросини назорат қилиш билан қамдан-қам қизиқилади. Конференция қабул қилгандаги программа жуда муҳим, унинг бажарилишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб ўйлайман.

С. ҲАСАНОВ.

ДАВРА СУХБАТИДА БИЛДИРИЛГАН КЎПЧИЛИК МУЛОҲАЗАЛАР КПСР МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПДИ

# ЯНГИЧА ФИКРЛАШНИ, ЯНАШНИ ВА ИШЛАШНИ ЎРГАНАЙЛИК!

Депутатлар қайта қуриш ва у билан боғлиқ жамият ҳаётини демократиялаш масалалари хусусида баҳс юритдилар

ДАВРА суҳбатида иштирок этган «Ангрен» резезин экскаватор машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Ю. Е. Иванцов, Бекобод шаҳридаги «Ўзбекметаллургстрой» трестининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими мудири, область Советининг депутаты Л. М. Хлинова, Чирчиқ «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бириктирилган давлат қабул раҳбари, Чирчиқ шаҳар Советининг депутаты В. Я. Васенков, Алимқент пахта тозалаш заводининг смена бошлиғи, область Советининг депутаты Р. А. Эрматов, Ўстюрк район халқ депутатлари Утом қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, область Советининг депутаты Э. Абдураҳмонов, Қўммунистик райондаги 20-мактаб директори, Бордонқўл қишлоқ Советининг депутаты Х. Е. Искандаров, Калинин райондаги ҳўжалиқ-рўзгор буюмлари фабрикаси ишчиси, область Советининг депутаты М. К. Солиқова, Тошкент райондаги 9-мактаб ўқитувчиси, область Советининг депутаты М. Примова,

Урта Чирчиқ райондаги Ким Пен Ха номли колхоз правлениеси раиси, область Советининг депутаты Т. Қ. Мадиев, Бўша шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, Бўша шаҳар Советининг депутаты М. К. Зарипова, Ангрендаги болалар касалхонасининг ҳамшираси, Ангрен шаҳар Советининг депутаты Т. Н. Цой сўзга чиқибди, депутатлар фаолиятини активлаштиришга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Шунингдек, область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг секретарлари, ташкилий-инструкторлик бўлиmlарининг мудирлари ҳам область ижроия комитетининг таклифи билан давра суҳбати жараёнида қатнашдилар.

Давра суҳбатида область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Г. Айдаков иштирок этди. Куйида ана шу давра суҳбатининг тафсилотлари эълон қилинмоқда.

ниб, идрок қиласан киши. Буни билиш аса депутат учун шарт. Турғунлик даврининг касри булган нуқсонлар депутатларнинг актив ҳаракатини кутиб ётибди.

